

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ  
УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА  
БАЗАСИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ**

***Н.А.Шаропова***

*Қарии мұхандислик-иктисодиёт институти,  
тарих фанлари бүйічә фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** Мустақиллик, Сурхондарё, халқ таълими, мактаб, ўқитувчи, таълим соҳасидаги ислоҳотлар, Давлат таълим стандартлари, “Таълим тўғрисида”ти Конун, “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”, мактабларнинг моддий-техник базаси, мактабларни таъмирлаш ишлари.

**1. Долзарблиги:**

Мустақиллик йилларида таълим тизимида амалга оширилган мұхим тадбирлардан бири, бу умумтаълим мактаблари моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ бўлди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича қўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Умумтаълим мактабларини замонавий техник воситалар, янги дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар, кўргазмали ўқув қуроллари ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлашга ҳаракат қилинди. Мактаблар кутубхона жамғармаси бойитилиб, янги ўқув адабиётлари, вақтли матбуот журналлари билан тўлдириб борилди. Мактабларни таъмирлаш билан бирга уларни жиҳозлаш ишлари ҳам олиб борилди. Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

1997 йил 28 октябрда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг таълим масалаларига бағишлиланган 308-сонли қарори қабул қилинди. 1997 йилдан бошлаб жанубий вилоятларда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни бажариш юзасидан маълум ишлар амалга оширилди. Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва янгиларини бунёд этиш юзасидан изчил тадбирлар олиб борилди. Сурхондарё вилоятидаги умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича маҳсус штаб ташкил этилди, режа ва тадбирлар аниқ ишлаб чиқилди. Вилоятидаги мавжуд 778 та мактабнинг 89 тасини капитал, 689 тасини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 23 та мактабга тоза ичимлик сувини ўтказиш, 46 та мактабни газлаштириш, 20 тасига телефон ва 37 тасига

радио ўрнатиш ишлари олиб борилди<sup>1</sup>. Биргина Шеробод туманида 1997 йилда 844 ўринли, 2001 йилда 255 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди, шунингдек, 28, 32 ва 46-сон мактаб биноларини қайтадан таъмираш ишлари амалга оширилди<sup>2</sup>.

Мактабларни таъмираш билан бирга уларни жиҳозлаш ишлари ҳам олиб борилди. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетидан 1999-2000 ўқув йили умумтаълим мактабларини таъмираш ишларига 41 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилди. Умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларида ҳомийлар ҳам фаол иштирок этди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида фермер Аҳмад Нарзуллаев ўз ҳисобидан 9,5 миллион сўмга икки қаватли мактаб биносини қуриб берди. Шунингдек, вилоятнинг Кумкўргон туманидаги Н.Нормуродовлар оиласи 620 ўринли 24-мактаб биносини таъмирашга 700 минг сўм микдорида ёрдам берди. 2000 йил Кумкўргон тумани халқ таълими ходимлари ҳомийлигига 13-мактабга қўшимча 6 та синфхона, 38-мактабга қўшимча 8 та синфхона қуриб берилди<sup>3</sup>. Умумтаълим мактабларини ўқув жиҳозлари ва парталар билан таъминлашда ҳам баъзи тадбирлар олиб борилди. Масалан, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетидан шунинг учун 336,4 млн. сўм маблағ ажратилди. “Шўрчи мебель” ҳиссадорлик жамияти томонидан ўқув парталари ишлаб чиқарилиб, мактабларга тарқатилди<sup>4</sup>.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Мустақилликнинг кейинги йилларида ҳам Сурхондарё вилояти умумтаълим мактаблари учун янги бинолар қурилиши давом эттирилди. Масалан, 2004 йилда 200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган Кўргонча қишлоғидаги 18-сонли мактаб биноси, Сайроб қишлоғидаги 270 ўқувчига мўлжалланган 13-сонли мактаб биноси, Работ қишлоғидаги 33-сонли мактабнинг 120 ўқувчига мўлжалланган биноси, Мачай қишлоғидаги 16-сонли мактабнинг 60 ўқувчига мўлжалланган филиали қуриб, фойдаланишга топширилди. 2007 йилда 15-сонли мактаблар жорий таъмирланди. 2007 йилда 34-сонли мактаб янгидан қурилиб, барча қулайликлар билан ўқувчиларга топширилди<sup>5</sup>. Янгидан қурилган ва таъмирланган мактаб бинолар замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилиб, уларда турли қулайликлар мажуд эди.

Натижада вилоят туманлари мактаблари ўқувчилари замонавий биноларда таълим-тарбия олди. Масалан, 2004 йилда Шерободда умумтаълим мактаблари

<sup>1</sup> Турсунов С. Қобилов Э. Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида / Авт.: - Тошкент: Шарқ, 2001 йил - Б. 350.

<sup>2</sup>Турсунов С., Турсунов А., Тогаева М. Шеробод тарихидан лавҳалари. - Тошкент: Yangi nashr, 2014 йил - Б. 317.

<sup>3</sup>Турсунов С. Қобилов Э. Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгисида / Авт.: - Тошкент: Шарқ, 2001 йил - Б. 343.

<sup>4</sup>СВҲА, 1091-фонд, 1-рўйхат, 1203-иш, 70 - 82 - вараклар.

<sup>5</sup>Турсунов С., Рашидов К. Бойсун. - Тошкент: Akademnashr, 2011 йил - Б. 505-517.

сони 65 та бўлиб, шундан 15 тасини 9 йиллик, 50 тасини умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этди. Тумандаги 65 та мактабдан 53 таси замонавий услубда қурилди, шунингдек, 12 таси мослаштирилган биноларда, 30 тасида телефон алоқалари ўрнатилиб, 65 та мактабда талаб даражасидаги спорт майдончалари, 28 таси шахар ҳудудида фаолият кўрсатди<sup>6</sup>. Шўрчи туманида 58 та умумий ўрта таълим мактабларидан 46 та мактаб замонавий, 12 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлаштирилди. Шунингдек, мазкур туманда 51 та мактаб сув, 26 та мактаб телефон алоқаси, 13 та мактаб табиий газ билан таъминланган, 10 та мактаб ихтиёрида тажриба участкаси, 38 та мактабда ошхона, 22 та мактабда спорт зали, 47 та мактабда футбол майдонлари мавжуд эди. 2005 йилда 37-ўрта мактаб қошида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва янги биноларни бунёд этишда Республика маблағи билан бирга, халқаро банклар маблағларидан ҳам фойдаланилди. Масалан, 2004 йил Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 30 та мактаб биносини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банки лойиҳаси бўйича 30 млн. сўм ажратилди<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июльдаги “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” асосида жанубий вилоятларнинг умумтаълим тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 2004 йилда 4 та янги қурилиш, 29 та капитал таъмир, 8 та жорий таъмир, жами 41 та мактаб, 2005 йилда 2 та янги мактаб, 23 та капитал реконструкция, 47 та капитал таъмир, 30 та жорий таъмир, жами 102 та мактаб таъмирдан чиқди. Шунингдек, 2007 йилда 4 та янги мактаб, 47 та капитал реконструкция, 73 та капитал таъмир, 34 та жорий таъмир, жами 158 та мактаб таъмирланди. 2008 йилда эса 4 янги мактаб, 57 та капитал реконструкция, 81 та капитал таъмир, 40 та жорий таъмир, жами 182 та мактаб таъмирдан чиқарилган бўлса, ушбу дастурда 2009 йил давомида 1647 ўринли 6 та янги мактаб биносини қуриш, 69 та мактаб биносини мукаммал реконструкция қилиш, 82 та мактабни капитал таъмирлаш, 44 та мактабни эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди<sup>9</sup>. Вилоятда жами 816 та мактабга 112.900 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. 2009 йилнинг охирида Денов туманидаги 3-сонли, Жарқўргон туманидаги 27-сонли, Қизириқ туманидаги 4-сонли, Музработ туманидаги 16-сонли мактабларнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди<sup>10</sup>.

<sup>6</sup>Турсунов С., Турсунов А., Тогаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Yangi nashr, 2014 йил -Б. 316.

<sup>7</sup>Турсунов С., Эшбоев К. Шўрчи тарихидан лавҳалар. -Тошкент: Fan va texnologiya, 2013 йил - Б. 276.

<sup>8</sup>СВҲА, 143 - фонд, 15 - рўйхат, 28 - иш, 13 - варақ.

<sup>9</sup>Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси. Сурхондарё вилоятида 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида хисботи. - Б. 1-4.

<sup>10</sup>Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси. Сурхондарё вилоятида 2004-2009 йилларда мактаб таълимини

Сурхондарё вилоятида мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Даастурига мувофиқ 2004-2008 йилларда мактабларни қайта таъмираш, янги бинолар, спорт, маънавий-маърифий иншоотларни қуриш масаласида катта ишлар амалга оширилди. Биргина Жарқўрғон туманида 2004 йил 6 ва 7-сонли умумий ўрта таълим мактабарида 43 млн сўмлик капитал таъмираш, 2005 йилда 15-умумий ўрта таълим мактабида 268,7 млн сўмлик капитал таъмираш ишлари амалга оширилиб, 640 ўринли янги мактаб биноси ва спорт зали қуриб битказилди. Жарқўрғон туманида 2004-2005 ўқув йилида мавжуд 56 мактабнинг 43 таси атрофи замонавий деворлар билан ўралиб, фермерлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳомийлар умумтаълим мактабларга амалий ёрдам берди. Мазкур туман мактабларига 135 млн. 480 минг сўмлик қурилиш ишлари ҳомийлар ёрдамида амалга оширилди. Туманда 2006 йил 26-умумий ўрта таълим мактабида 712 млн сўмлик, 32-умумий ўрта таълим мактабида 353,763 млн. сўмлик маблағлар қайта таъмирашга ва спорт залларини қуришга сарфланди. Шунингдек, 2008 йил туманда 44-умумий ўрта таълим мактабида 490 ўринли янги қурилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, 1, 5, 23, 25, 28, 41, 52-умумий ўрта таълим мактабарида жорий таъмираш ишлари амалга оширилиб, 55-умумий ўрта таълим мактабида 273,1 млн. сўмлик маблағ сарфланиб, 140 ўринли янги ўқув биноси ва спорт зали, 31-умумий ўрта таълим мактабида 23,8 млн. сўмлик қайта таъмираш ишлари амалга оширилди<sup>11</sup>.

Бу тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилди. Масалан, 2009 йилда Бойсун туманида 15, 52, 55-сонли мактабларда капитал таъмираш ишлари амалга оширилди<sup>12</sup>. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий даастури доирасида умумий ўрта таълим мактаби биноларида 2 та янги қурилиш, 18 та капитал реконструкциялаш, 26 та капитал таъмираш, 6 та жорий таъмираш ишлари олиб борилди<sup>13</sup>.

Умуман мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий даастурига мувофиқ Сурхондарё вилоятида 25 та янги мактаб биноси бунёд этилди. Шунингдек, 233 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлдаги 144-сонли “2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўтказилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоятлари шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоятларнинг халқ таълими, тегишли корхона ва ташкилотлари билан

rivожлантириш Давлат умуммиллий даастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида хисоботи. - Б. 7-8.

<sup>11</sup>Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон - Тошкент: Фан, 2008 йил - Б. 284.

<sup>12</sup>Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси жорий архиви. Бошқарманинг 2006 йилги хисоботи. - Б.15.

<sup>13</sup>Турсунов С., Рашидов К. Бойсун - Тошкент: Akademnashr, 2011 йил - Б. 505 - 517.

<sup>14</sup>Тошхўжаев З., Маматрайимова Х. Баркамол авлоднинг катта спорт байрами // Ma’rifat, 2011 йил 30 апрель - №028.

биргаликда барча аҳоли пунктларида асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мактаб товарларининг кенг турларини (мактаб-ёзув анжомлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўқувчилар формаси ва ҳоказоларни) сотиш бўйича маҳсус мактаб бозорлари ва ярмаркаларини ўtkазиш тадбирлари олиб борилди. 2017 йили вилоятда 48 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, шундан 34 тасида янги бинолар бунёд этилди. 2018 йили эса 78 та мактабда қурилиш ишлари олиб борилди<sup>15</sup>.

Бир қарашда соҳада олиб борилаётган ишлар силлиқ кетгандай туюлсада, аммо қатор муаммолар ҳам мавжуд эди. Масалан, энг жиддий масалалардан бири бу мактабларни электр энергия билан таъминлаш бўлди. 2015 йили 12 ноябрда “Сурхон тонги” газетасининг навбатдаги сонида “Тегирмонда чироқ ўчмайди, Мактабда-чи?...” номли танқидий мақола эълон қилинди. Мақолада Шўрчи туман мактабларини электр билан таъминланиши муаммолари кўтариб чиқилади<sup>16</sup>. Бошқа туманларда ҳам шу ҳолат кузатилади. Бойсун туманидаги “Қизилнавр” маҳалласидаги 24-сонли умумтаълим мактабида 2015-2018 йиллар давомида электр умуман ёнмаган<sup>17</sup>.

Вилоятда ўқувчилар сони йилдан йилга кўпайиб борди. Масалан, 2017-2018 ўқув йилида вилоят мактабларида 421 249 нафар ўқувчи таҳсил олган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида улар сони 470 303 нафардан ортди<sup>18</sup>.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим соҳаси ривожида янги бир давр бу 2017 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда халқ таълими тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига кучли эътибор қаратилди. Айниқса, умумтаълим соҳаси моддий-техника базасини мустаҳкамлашда хорижий инвестициялардан унумли фойдаланишга аҳамият қаратилди. 2018 йилда Сурхондарё вилояти халқ таълими тизимига давлат бюджетидан жами 1013,7 млрд.сўм ажратилиб, шундан 688,8 млрд.сўм иш ҳақи учун берилди. Шу йили вилоят маҳаллий бюджет маблағлари орттирилган қисми ҳисобидан қўшимча 33,5 млрд.сўм мактабларнинг моддий-техника ҳолатини яхшилашга ажратилиб, маблағлар ҳисобидан 16 та мактабни таъмирлаш, 66 та мактабда янгидан 240 та иситиш қозонларини тежамкорларига алмаштириш, 130 та мактабни жорий таъмирлаш ҳамда 54 та мактабни замонавий ўқув мебеллари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди<sup>19</sup>.

2018 йил вилоятда инвестиция дастури бўйича 45 та (2 та янги қурилиш, 39 та реконструкция, 4 та капитал таъмирлаш) таълим муассасаларида 59,2 млрд.сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилди. Маҳаллий бюджет

<sup>15</sup>Эргашев А. Ютуқларимиз бардавом бўлсин // Сурхон тонги, 2018 йил 29 сентябрь. - №75.

<sup>16</sup>Эшмуровов Э. Тегирмонда чироқ ўчмайди, Мактабда-чи?... // Сурхон тонги, 2015 йил 12 ноябрь. - № 45.

<sup>17</sup>Рахмонқулова Ф. Олис худуддаги мактаблар // Сурхон тонг, 2018 йил 25 апрель - №31.

<sup>18</sup>Эргашев А. Ютуқларимиз бардавом бўлсин // Сурхон тонги, 2018 йил 29 сентябрь - №75.

<sup>19</sup>Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви. Сурхондарё вилояти халқ таълими тизимида 2018 йилда амалга оширилган ишлар ва 2019 йилдаги вазифалар тўғрисида маълумотлар - Б. 1-5.

ҳисобидан қўшимча 31,7 млрд.сўм мактабларнинг жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилди. Шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури бўйича 38 та, жумладан, 4 та мактабни реконструкция қилиш ҳамда 34 та мактабни мукаммал таъмирлаш учун умумий ҳисобда 36,9 млрд. сўм маблағ ажратилди<sup>20</sup>. 2019 йилда Сурхондарё вилоятидаги жами 66 та умумтаълим мактабларида 70,8 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилди.

Сурхондарё вилоятида 2019-2020 йилларда 299 та умумтаълим мактабларидаги компьютер техникалари хорижий грант ва кредитлар ҳисобидан замонавий компьютер техникалари билан алмаштириш режалаштирилди. Вилоят марказидан узоқ ҳудудларда 216 та (Деновда 56 та, Сариосиёда 26 та, Шерободда 23 та, Шўрчида 22 та, Узунда 20 та, Бойсунда 18 та, Олтинсой ва Кумкўргон туманларида 15 тадан, Қизириқда 6 та, Ангор, Музработ ва Термиз туманларида 4 тадан, Жаркўргонда 3 та) мактаб филиаллари фаолият кўрсатди. Уларда таълим сифати етарли даражада ташкил этилмаётганлигини инобатга олиб, 2019 йил давомида 30 та филиалга мустақил мактаб мақоми бериш режалаштирилди. Ўқувчилар сони камлиги ва асосий мактаб билан оралиқ масофаси яқинлиги учун 4 та филиалнинг ўқувчилари асосий мактабга кўчирилиб, фаолияти тутатилди. Дастур асосида 30 та, маҳаллий бюджет ҳисобидан 54 та филиал биноларини таъмирлаш режалаштирилди<sup>21</sup>.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари халқ таълими тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишида қатор муаммолар ҳам йиғилиб борди. Масалан, Термиз шаҳрида янги барпо этилган тураг-жой массивларида ва янги кўп қаватли тураг жой бинолари атрофида бирорта ҳам мактаб қурилиши режалаштирилмаган эди. Шаҳарнинг ўзида сўнгти икки йилда 87 тадан ортиқ янги кўп қаватли тураг жой биноларида 1790 хонадондан ортиқ янги кўп қаватли тураг-жой массивлари барпо этилсада, аммо ушбу ҳудудларда умумтаълим мактаблар қурилмаган эди. Қолаверса, Сурхондарё вилоятида ўқувчи сони 180 нафардан ортиқ бўлган 203 та умумтаълим мактабларида спорт заллари мавжуд бўлмади. Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 202 тасида қўлбола печлардан фойдаланиб келинди. Уларни замонавий иситиш тизимига алмаштириш учун 20,2 млрд.сўм маблағ талаб қилинди. Вилоятда нодавлат таълим муассасалари мавжуд эмас эди<sup>22</sup>.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, 1997-2004 йиллар ва 2004-2017 йиллар ҳамда 2017 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон халқ таълими моддий-

<sup>20</sup>Ўша жойда.

<sup>21</sup>Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви. Сурхондарё вилояти халқ таълими тизимида 2018 йилда амалга оширилган ишлар ва 2019 йилдаги вазифалар тўғрисида маълумотлар - Б. 1-5.

<sup>22</sup>Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви. Сурхондарё вилояти халқ таълими тизимида 2018 йилда амалга оширилган ишлар ва 2019 йилдаги вазифалар тўғрисида маълумотлар. - Б.1-5.

техника базасини мустаҳкамлаш ишининг ҳолати турлича бўлди. Бу аввало муайян даврда таълим тизимига эътибор, давлат бюджетидан соҳага маблағ ажратиш, мактабларда таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, ўқитувчиларнинг билим савиясини кўтариш юзасидан олиб борилган чора-тадбирларга боғлиқ бўлди. Қайсиdir даврда, халқ таълими тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, аввало, мактаб учун янги бинолар бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш ва уларни жиҳозлаш, умумтаълим мактабларини ўқув қўлланма ва дарсликлар билан таъминлаш, компьютер технологияларини етказиб беришга қучли эътибор қаратилган бўлса, ундан аввалги даврларда ушбу масалалар ечими эътибордан четда қолди. Амалга оширилган ишлар йиллар ва худудлар кесимида ўрганилганда турлича ҳолат намоён бўлди. Баъзи туманларда ўқувчилар ўтган асрда қурилган, таъмирланмаган мактаб биноларида таълим олган бўлса, баъзи мактаб ўқувчилари янгидан бунёд этилган ва замонавий жиҳозланган таълим масканларида таҳсил олди.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши таълим соҳаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини режали ташкил этиш имконини берди. Таълим соҳаси моддий таъминотини яхшилашда турли ишбилармон ҳомийларнинг ўрни ҳам катта бўлди. Улар ўз маблағлари ҳисобидан мактаб бинолари қурилишига, таъмирлаш ишларига, кутубхоналар фондларини бойитишига муносиб ҳисса қўшди. Умумтаълим мактаблари иқтисодий шароитларини яхшилаш бўйича охирги икки йилда катта ишлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар Сурхондарё вилояти таълим соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади.

### Иқтибослар:

1. Турсунов С. Қобилов Э. Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих қўзгусида / Авт.: - Тошкент: Шарқ, 2001 йил - Б.343-350.
2. Sherozovich, M. B. (2024). INDUSTRIAL MEASURES IN UZBEKISTAN 1925-1954 AND THEIR RESULTS (in the case of Kashkadarya and Surkhandarya regions). *World scientific research journal*, 24(1), 195-200.
3. Sherozovich, M. B., & Shuhratovna, M. N. (2024). DEVELOPMENT OF FOOD INDUSTRIES IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS AND CONSEQUENCES. *World scientific research journal*, 24(1), 188-194.
4. Sherozovich, M. B. (2024). CONFLICT SITUATIONS IN THE PROCESS OF TRAINING INDUSTRY PERSONNEL IN SURKHANDARYA AND KASHKADARYA REGIONS: HISTORICAL ANALYSIS AND RESULTS (1925-1950). *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 39(5), 221-225.

5. Sherozovich, M. B. (2024). DEVELOPMENT OF HEAVY INDUSTRIES IN THE SOUTHERN PROVINCE OF UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS AND CONSEQUENCES (1930-1960). *Modern education and development*, 16(5), 267-277.
6. Baymanovna, A. R. (2024). Uzbekistan-India: Development of Economic Cooperation. *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521), 2(5), 594-598.
7. Baymanovna, A. R., & Eshqobil ogli, M. B. (2024). ESTABLISHMENT OF CULTURAL RELATIONS BETWEEN STATES AND ITS HISTORICAL BACKGROUND. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 40(5), 27-30.
8. Baymanovna, A. R., & Isxoq ogli, Q. M. (2024). О ‘ZBEKISTON BILAN HINDISTON О ‘RTASIDA IQTISODIY HAMKORLIKNING RIVOJLANISHI. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 15(3), 31-34.
9. Shonazarovich, Q. A., & Adilovna, B. G. (2024). OLTIN VOHA TEPALARI TILSIMI-TARIX KO ‘ZGUSIDA: Yangi O’zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o’rni va rivojlanish omillari. *Yangi O’zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o’rni va rivojlanish omillari*, 6(2), 86-94.
10. Shonazarovich, K. A. (2023). Development of the Craft Industry in the City of Karshi at the Beginning of the 19th-20th Centuries. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(12), 135-138.
11. Shonazarovich, Q. A. (2024). IN 1925-1954, THE MEASURES FOR THE SPECIALIZATION OF UZBEKISTAN AS THE MAIN COTTON BASE OF THE USSR AND ITS CONSEQUENCES. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 67-71.
12. Shaxnoza, E. (2024). QASHQADARYO VILOYATIDA IJTIMOIY-GUMANITAR FANINING RIVOJLANISHIDA XOTIN-QIZLARNING O ‘RNI. *Modern education and development*, 16(5), 216-226.
13. Elboyeva, S. B. (2022). МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК–ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 377-385.
14. Elboyeva, S. B. (2022). YOSHLARDA YUksAK MA’NAViyATNI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARBLIGI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 576-581.
15. Ergashev, U. K. (2024). THE BUKHARA EMIRATE: A HISTORICAL OVERVIEW. *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(12), 131-135.
16. Kuzyevich, E. U. (2024). GUZOR FORT IN THE PERIOD OF BUKHARA EMIRATE. *European Science Methodical Journal*, 2(5), 192-198.

17. Kuziyevich, E. U. (2023). SETTLEMENTS ASSOCIATED WITH THE "BATOSH" SEED IN THE GUZOR STATION OF THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE LATE 19TH-EARLY 20TH CENTURIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(7), 116-119.
18. Esonova, N. (2024). О 'ZBEKISTONDA SANOAT RIVOJLANISHI TARIXINING MUSTAQILLIK DAVRIDA O 'RGANILISHI. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 56(2), 19-22.
19. Pulatovna, E. N. (2024). UZBEKISTAN'S PLACE IN INTERSTATE INDUSTRY AND TRADE EXHIBITIONS (1991-2021 YEARS). *International journal of artificial intelligence*, 4(07), 342-343.
20. Esanova, N. P. (2024). MAIN FACTORS OF TEXTILE INDUSTRY DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN (1991-2021 Years). *Web of Technology: Multidimensional Research Journal*, 2(9), 5-13.
- 21.** Ochilova, N. R., Elboeva, S. B., & Buriev, I. I. (2021). ISSUES OF FORMATION OF UNIVERSAL VALUES IN THE DEVILMENT OF NATIONAL CULTURAL CENTERS. *Scientific progress*, 2(2), 496-500.
22. Ruzimuratovna, O. N. (2022). ROLE OF NATIONAL AND CULTURAL CENTERS OF UZBEKISTAN IN PUBLIC LIFE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 16(5), 73-75.
23. Ochilova, N. R. (2022, December). WAYS OF DEVELOPING THE ACTIVITY OF CULTURAL CENTERS. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 34-41).
24. Akbarovna, S. N., Ugli, T. A. I., Mahbuba, A., Iskandar, I., Ugli, R. Q. S., Madina, K., ... & Ekpoottu, M. U. Table of Content-Volume 3| No 4 (Apr 2023). *Development*, 6, 11.
25. Sharopova, N. A. (2019). IMPROVING THE GENERAL SECONDARY EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN. *Theoretical & Applied Science*, (10), 331-334.
26. Akbarovna, S. N. (2024). FIVE INITIATIVES AND ITS IMPLEMENTATION IN SECONDARY SCHOOLS. *Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions*, 2(6), 11-12.
27. Murtazova, S., & Ashurov, N. ABU MUIN AN-NASAFI-THE CONTINUATOR OF THE DOCTRINE OF MOTURUDIYA.
28. Burievna, M. S. (2023). FROM THE HISTORY OF MUSIC CULTURE OF AMIR TIMUR AND THE TEMURIAN PERIOD. *International Multidisciplinary Journal for Research & Development*, 10(12).
29. Burievna, M. S. (2023). FROM THE HISTORY OF MUSIC CULTURE OF AMIR

TIMUR AND THE TEMURIAN PERIOD. *International Multidisciplinary Journal for Research & Development*, 10(12).

30. Suyunovna, J. S. (2023). THE IMPORTANCE OF GENDER EQUALITY IN THE EDUCATION OF CHILDREN IN THE FAMILY. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(9), 114-117.
31. Suyunovna, J. S. (2021). MA'NAVIY YUKSALISH YO'LIDAGI TAHDIDLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 186-194.
32. Жумаева, Ш. С. (2023). Ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий ҳимоя. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(5 SPECIAL), 286-290.
33. Akhmedova, D. S. (2023). SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(11), 304-309.
34. Sadullayevna, A. D. (2023). Young People-The Creators of New Uzbekistan. *The Peerian Journal*, 25, 11-16.
35. Sadullayevna, A. D. SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE WITH A MODERN WORLDVIEW.